

Иймон заифлигининг аломатлари



09:00 / 01.03.2023 3522

1. Гуноҳ амаллар қилиш ва гуноҳкорликни ҳис қилмаслик.
2. Қалбнинг қотиши ва Қуръони Каримни ўқиш хоҳиши бўлмаслиги.
3. Солиҳ амаллар қилишда дангасалик қилиш, масалан намозни кечиктириб ўқиш.
4. Суннатдан узоқлашиш.
5. Қуръони Каримни эшитганида ҳеч нарса ҳис қилмаслик, масалан киши Аллоҳнинг азоб оятларини эшитганда унда қўрқув ҳисси ва мукофот оятларини эшитганда умидворлик ҳисси бўлмаслиги.
6. Аллоҳни эслаш ва зикр қилишнинг оғир келиши.
7. Шариатга зид бирор иш қилинганида хафа бўлмаслик.
8. Қалбда обрў ва бойлик муҳаббати бўлиши.
9. Бошқаларга солиҳ амаллар ҳақида ўргатиб, ўзи уларни қилмаслиги.
10. Бошқаларнинг муаммоларига хурсанд бўлиш.
11. Фақатгина ҳаром ёки ҳалолга эътибор бериб, макруҳ амалларга бефарқ бўлиш.
12. Мусулмон биродарлари ҳақида қайғурмаслик.
13. Исломни ҳимоялаш учун маъсулият ҳис қилмаслик.
14. Ғолиб бўлиш учунгина бахс-мунозара қилиш.
15. Дунёга хирс қўйиш ва фақатгина мол-дунё учун қайғуриш.
16. Ўзига маҳлиё бўлиш, фақат ўзини ўйлаш.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф